Ушбу сонда:
2 ОНА СУТИНИНГ МЎЪЖИЗАСИ
3 ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН кекса онага уй қуриб берилди
4 Футбол ЎН МИНГИНЧИ ГОЛ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 10 сентябр, чоршанба № 142 (1567)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

УЗЛУКСИЗ ЎҚИТИШ

Фарғона вилоят кутубхоначилар ассоциацияси, Лотин алифбосига ўқитиш ресурс марказси, халқ университетлари молиявий кўмаги билан кутубхоначиларга лотин алифбосини ўргатиш курсини ташкил этди.

Ресурс марказининг мақсади вилоят шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган йигирмадан зиёд марказий кутубхона ходимларига лотин алифбосидан сабоқ бериш ва уларни тренерлар сифатида тайёрлашдан, мавжуд тажрибаларга асосланган ўқув моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Айни кунда ўқув курсининг дастлабки битирувчилари махсус сертификатларга эга бўлди. Энди улар жойларда бошқа кутубхоначиларга лотин алифбосидан сабоқ беради.

(ЎзА)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг ўн икки йиллиги муносабати билан Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят самимий қутловлар йўллаш ҳамда шахсан Сизга омонлик, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилашдан мамнунман.

Моше КАЦАВ,
Исроил Давлати Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят самимий тилакларимни йўллаш мен учун шарафдир.

Биз халқларимизни бирлаштириб турган дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бораверишимизга ишончим комил.

Менинг ҳукуматим мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаётганини изҳор этиб, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган ғоят юксак эҳтиромимни яна бир бор билдириш шарафига муяссарман.

Висенте Фокс КУЭСАДА,
Мексика Кўшма Штатлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни ҳамда шахсан Сизга ва Ўзбекистон халқига равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Олафур Рагнар ГРИМССОН,
Исландия Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Шонли воқеа - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг 12 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига йўллаётган қизғин ва самимий қутловларимга Индонезия ҳукумати ва халқи қўшиладилар.

Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадал ривожлантириб бораётганини қайд этиш менга мамнуният бахш этади. Бу эса муносабатларимиздаги шундай олға ҳаракат мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ўйлашим учун асос бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Мегавати СУКАРНОПУТРИ,
Индонезия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Лаос халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига ғоят қизғин қутловларимни ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва муваффақиятли ҳамкорлик бундан буён ҳам тинчлик ва хавфсизликни сақлашда Лаос ҳамда Ўзбекистон халқларининг манфаатларига хизмат қилаверишига ишонаман.

Камоли эҳтиром ила,

Кхамтай СИПХАНДОН,
Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти

Истиклолимизнинг ўн икки йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир гурух юртдошларимизга ««Ўзбекистон Каҳрамони» унвони бериш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди. Улар орасида фидойи инсон, ажойиб тадбиркор Самарқанд вилояти Жомбой туманида Х.Низаматов номли ширкат хўжалиги раиси Аваз Эргашевнинг исми-шарифини ўқиб, севинчим ичимга сиғмай кетди.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ЭЛ АЛҚАГАН РАИС

Аваз Эргашев билан ёнма-ён қишлоқда туғилиб, ўсганмиз. Бир арикдан сув ичиб, ёшлик завқини сурганмиз. Тақдир экан, мен бошқа касбни, у киши деҳқончиликни ихтиёр этди. Устозлари - Хўжам, Нодир, Тошпар оталар этагини тутиб, кам бўлмади. Улардан қатъиятни, тантиликни, ер билан тиллашишни ўрганди. Дастлаб «табел»чиликдан фаолиятини бошлаган Аваз Эргашев хўжалик раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу орада Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини сиртдан тугатди. Шу йиллар мобайнида бригада бошлиғи, ҳосилот ёрдамчиси, бош ҳосилот, туман сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармасида, туман дон маҳсулотлари корхонасида турли лавозимларда самарали ишлади. Мана шу хўжаликка икки марта раис этиб сайланди. Қаерда, қай лавозимда ишламасин ҳамиша халқини ўйлади.

Хўжалик аъзолари ҳам доимо оғизларидан бол томиб, раисни алқаб, мақтаб гапиришади. «Раисимиз яхши одам-да, қийналиб қолсак, ёрдам беради, етим-есирларнинг бошини силайди», - дейишади.

Ҳақиқатан ҳам А.Эргашев камсуқум, камтар, элини ўйлайдиган халқпарвар, элим, юртим деб яшайдиган, «етти ўлчаб, бир кесадиган» раҳбарлардан. Бир сўзли, лафзи ҳалол одам. Шунинг учун ҳам халқи энг оғир йилларда ҳам у кишига эргашди, елкадош бўлди. Қарийб йигирма йилдирки, қишлоқдошларига бош. Хўжаликнинг катта-ю кичиги «Раҳбарга ёлчиганмиз-да» деб алқаб юришибди. Сўнгги йилларда хўжаликда пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан шартнома режалар уддалаб келинаяпти. Биргина ўтган йили 442 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнер ўрнига 35 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Ғаллачиликда ҳосилдорлик 55 центнердан ошди. Мазкур йилда биргина ғалланинг ўзидан 150 миллион сўм фойда олинди.

Ўтган йилнинг кузида, айни пахта йиғим-терим пайтида Юртбошимиз жомбойлик пахтакорлар ҳузурига, аниқроғи, Хўжам Низаматов номли ширкат хўжалигига ташриф буюрган эди. Президентимиз хўжалик фаолиятидан чуқур қониқиш ҳосил қилган, қишлоқдаги ўзгаришлар, одамларнинг интилишлари ислоҳотларга нечоғлик мос тушаётганлигини таъкидлаган эдилар.

Чиндан ҳам ислоҳотлар инсон учун хизмат қилмоқда. Ўнга яқин қишлоқда 9 минг аҳоли истиқомат қилади. Хонадонлар юз фоиз табиий газ, электр энергия, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бири-биридан обод ва кўркам «Тўй», «Йўғонтепа», «Қоракессак», «Чувиллоқ» қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Замонавий типда барпо этилган маҳалла марказлари, мактаблар ва болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари меҳнаткашлар ихтиёрида.

- Аваз ака Эргашев аҳоли соғлиғи учун маблағни ҳам, вақтини ҳам аямайдиган раислардан. Шу боис касалхонанимизга тез-тез келиб туради, - дейди «Тут» қишлоқ шифохонаси мудири Тошмирза Нодиров. - Уни таъмирлашда, дори-дармон билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатмоқда. Хўжалик аъзолари касал бўлиб қолгудай бўлса, вақт топиб хабар олади.

Хўжаликда спорт ишларига алоҳида эътибор қаратилган. 3 та ўйингоҳ, теннис корти ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Барча мактабларда спорт майдончалари ташкил этилган. Халқпарвар раиснинг ташаббуси билан спорт мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди. Бунинг учун хўжалик ҳисобидан 26 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 2 та тикувчилик цехи ташкил этилиб, 30 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Ҳа, Аваз Эргашев ана шундай элнинг қувончу ташвишлари ичида яшайди. Ҳаёт тарзи ҳам оддий. Қўша-қўша уйлар солмаган, машина олмаган. Ҳамқишлоқлари қатори умргузаронлик қилмоқда. Тўй-маъракаларда эли билан эллашиб яшаяпти.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири



Мамлакатимизда она ва бола саломатлигига катта эътибор берилмоқда. Марғилон шаҳар марказий шифохонасида ҳам бу борада самарали ишлар қилинмоқда. Бу ерда беморлар саломатлигини тиклаш учун барча шароитлар яратилган. Шифохона 85 ўринга мўлжалланган. У замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлиб, она ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилишда жуда қўл келмоқда.

Суратда: Марғилон шаҳар марказий шифохонаси туғриқхона бўлимининг ҳамшираси Муҳайё Тошматова.

М.КОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Олтин куз саховати

ШАҲРИСАБЗ ШАРБАТЛАРИ

хорижликларга манзур бўлаяпти

Ўлкамизда куз. Ҳисор тоғлари ортидан кўтарилган қуёш ўзининг заррин нурларини серҳосил пайкаллар бўйлаб тарайди. Кадоқ қўлли деҳқон меҳнатидан баҳра олган экинларда ҳосил мўл. Етиштирилган куз неъматларини йиғиштириб олиш қизғин давом этаяпти.

Хўжаликнинг Аваз Тўраев бошлиқ пудратчилар даласида иш қизғин. Деҳқонлар етиштирган помидор ҳосилини йиғиштириб олишга киришганлар. Маҳсулот мўллигидан экинлар эгилиб қолган.

— Қабул пунктларига 400 тоннадан ортиқ маҳсулот топширдик, - дейди пудратчилар етакчиси. - Ялпи хирмонни минг тоннага етказамиз.

«Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамияти тумандаги Жўра Элбоев номли ширкат хўжалигини оталиққа олиб, 620 гектар майдонда помидор эккан эди. Қулайлиги шундаки, маҳсулотни деҳқонлар етиштиради, иқтисодий харажатлар корхона ҳисобидан қопланади. Миришкорларнинг астойдил тер тўкканлари туфайли режадагидан кўп ҳосил етиштирилди. Хўжаликда бултур катта миқдорда зарар кўрилган бўлса, жорий йилда 200 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланаяпти.

Олий Мажлис депутати Неъмат Исмоилов раҳбарлик қилаётган ҳиссадорлик жамиятининг доврўгини чет элларда ҳам яхши билишади. Олма, ўрик, узум, олча, олхўри, шафтоли, помидор, бодринг, сабзи каби табиат инъомларидан 100 хилга яқин ҳар хил мева шарбатлари, томат пастаси тайёрлаётган тадбиркор жамоа маҳсулотлари Россия, Украина, Белорусь каби давлатларнинг савдо корхоналарига жўнатиляпти.

Ўтган йили 22 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу рақам 40 минг тоннадан ошади. Завод конвейрининг тўла қувват билан ишлаши учун вилоятдаги 47 та ширкат, 54 та деҳқон-фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилиб, 458 миллион сўм бўнак пуллари тарқатилган. Маҳсулот Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ тумани хўжаликларидан узлуксиз келиб турибди.

Помидор инсон учун энг керакли маҳсулот ҳисобланади. Таркибида йод моддаси бўлиб, жигар, буйрак, ошқозон-ичак фаолиятини, модда алмашинувини яхшилайди. Италия, Венгрия, Югославия фирмаларининг замонавий ускуналари ўрнатилган мосламалар билан бир кунда 100 тоннадан ортиқ томат пастаси тайёрланди. Ҳар йили минг тоннадан ортиқ сабзавотли, 2 минг тонна томатли, 3,5 минг тонна мевали консерва ишлаб чиқарилиб, 1-1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилиняпти.

Корхонани янги технология билан жиҳозлаш давом этмоқда. Ҳиссадорлик жамияти раисининг айтишича, банкдан 2 миллион 800 минг сўмлик кредит олиниб, қўшма корхона ташкил этилди. Туркия давлати билан ҳамкорликда экологик тоза, газланган болалар ичимликлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, «Баҳодир», «Ўзбекистон», «Юсупов», «Суперстрон» каби помидор навларидан уруғлар шу ернинг ўзида тайёрланиб, қарийб 100 миллион сўмни иқтисод қилишга эришилди. Олма қайласи, узум ва ўрик шарбати кенг кўламда ишлаб чиқарила бошланди.

Иқтисодий манфаат бор жойда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Бошқарув кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши таъминланяпти. Ҳар бир ходим ҳисобига 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларга 16,5 миллион сўм овқат пули, 2 миллион 110 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат аҳлининг республикамиз сиҳатгоҳларида даволаниши учун 3 миллион 663 минг сўм маблағ сарфланди. Одамларнинг соғлигини муҳофаза этиш мақсадида, даволаш маркази ташкил этилган бўлиб, унда 400 дан ортиқ ишчилар ўз саломатлигини қайта тикладилар.

Яқинда 480 нафар пенсионер, нафақахўр, ногирон ва кам даромадли кишилар таклиф этилиб, катта дастурхон тузалди. Ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам уюштирилди.

Сахий ва бағри кенг пайкалларда ҳосилни йиғиштириб олиш давида. Корхонада эса маҳсулотлар пешма-пеш қайта ишланиб, қадоқланмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

БУХОРО БИЛАН ТАНИШУВ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл Зоти Олийлари Бухорони зиёрат қилди.

Малайзия Қиролининг қадим ва навқирон Бухоро шаҳри билан танишуви Пойи Колон мажмуидан бошланди.

Меҳмонга мажмуа тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Масжид YIII асрда бунёд этилган. Шўролар даврида ундан омбор сифатида фойдаланилган. Истиқлол йилларида қадриятларимизга кенг йўл очилгач, Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мажмуада кенг кўламдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. У Марказий Осиёдаги энг катта масжидлардан биридир.

Олий мартабали меҳмон Пойи Калон мажмуига кирувчи Мир Араб мадрасасини зиёрат қилди. Айни кунларда мадрасада юздан зиёд талаба диний ва дунёвий фанлардан таълим олмоқда.

Малайзия Қироли мазкур обидалар билан танишув чоғида Ўзбекистонда миллий, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаши учун барча шароит яратилганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Талабаларга ўқишларида муваффақият тилади.

Малайзия қироли Тоқи Заргарон, Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, Арк қалъасини, бухоролик ҳунармандлар ясаган буюмлар кўргазмасини томоша қилди.

(ЎзА)

ЯНГИ МАКТАБ

Обод маҳалла йилида Поп туманидаги Тўда қишлоғи Янгиқишлоқ маҳалласида 250 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб фойдаланишга топширилди. Ўқув-тарбия жараёни ва синфдан ташқари ишлар учун барча шароит яратилган. Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ўқувчилари учун компьютер техникасини ажратди.

(ЎзА)

УСМОНОБОД ГУЗАРИ

Гулистондаги Усмон Юсупов номли маҳалладa барча қулайликларга эга бўлган Усмонобод гузари ишга тушди. Гузар очилишида вилоятнинг барча туманларидан оқсоқоллар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Маҳалла гузарида савдо нуқталари ва аҳолига маиший хизмат курсатиш шохобчалари очилди. Шунингдек, тўй ва тантаналар ўтказиладиган зал ҳам иш бошлади.

Маҳалла гузари қурилишига "Гулистонэкстроёғ" акциядорлик жамияти муносиб улуш қўшди.

"Туркистон-пресс"

Ижтимоий ҳимоя

ИШЧИЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Денов туманидаги «Хайрободпахта» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида ўтган йили 30 минг тонна пахта қабул қилинганди, 9173 тонна пахта толаси қайта ишланиб, белгиланган режа ошириб бажарилди. Жамиятнинг сифатли маҳсулотлари бугунги кунда Италия, Швейцария, Австрия, Корея, Бельгия, Буюк Британия каби ривожланган давлатларга экспорт қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамоа жорий йилнинг ярмида 28 миллион 971 минг сўм соф фойдага эришди.

Ютуқлар замирида ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намуналари ўз аксини топган. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳимзолаган жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишчи-хизматчининг ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатлари ҳимояга олинган.

Унга асосан, ишчи-хизматчиларга ҳар ойда ўртача 40 минг сўм миқдорда иш ҳақи тўланмоқда. Бундан ташқари, улар туғилган кунларда, байрамларда моддий рағбатлантирилиб борилмоқда. Тунги навбатчиликда, дам олиш, байрам кунлари ишлаган ишчиларга иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланмоқда. Ишлаб чиқариш режасини ҳар ойда ошириб бажарган ишчиларга эса бир ойлик маош миқдорида мукофот жорий этилган.

Бундан ташқари, маъмурият ташаббуси билан ишловчиларга 3 маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Хуллас, жамоада ишчи-ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар муҳайё. Мавжуд тозалаш, қуритиш, таъмирлаш, электр, чигит тукини тозалаш цехларида ишчилар учун дам олиш хоналари мавжуд. «Маънавият ва маърифат» хонасида ишчилар кундалик матбуот нашрлари билан танишадилар. Радио эшитишиб, шоҳмот-шашка ўйнаб ҳордиқ чиқаришади. Муҳаррам Абсаматова, Нурали Шаропов, Меҳтош Исматов каби 11 нафар ишчи ва хизматчиларга корхона ҳисобидан Деновдаги «Ҳазорбоғ» сиҳатгоҳига бепул йўлланмалар берилди. Ходимларнинг 35 нафар фарзандлари «Чашма» оромгоҳида бепул дам олдирилди.

Ютуқларнинг бош омили корхонада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилаётганидандир. Амалдаги жамоа шартномага биноан ҳар йили ана шу мақсадда 10 миллион сўм маблағ ажратилаяпти. Зарарли шароитда меҳнат қилаётган 26 нафар ишчи-хизматчилар 3 маҳал иссиқ овқат, сут ва сут маҳсулотлари, қишги ва ёзги махсус кийим-бошлар билан таъминланган. Зарарли шароитда ишлаган ишчиларга иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Саломатлик — туман бойлик, деганларидек, ходимлар саломатлиги ҳамиша эътиборда. Улар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Мутахассис шифокорлар кўрсатмаси билан 17 нафар ишчига парҳез таомлар берилади. Корхона тасарруфидаги тиббий шохобчада терапевт, стоматолог ва ҳамшира хизмати ташкил этилган.

Техника хавфсизлиги борасида ҳар чоракда ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Цехларда махсус йўриқнома, плакатлар осиғлик турибди. 180 нафар ишчига 5 миллион 800 минг сўмлик маҳсус кийим-бош, ёзги ва қишги қўлқоп, пойабзал тарқатилди.

Корхонада ишлаб ногирон бўлиб қолган Абдулваҳоб Бураков, Абдулхалил Ғаниев, Холмамат Мамажонов каби 17 нафар собиқ ишчиларга ҳар ойда товон пуллари тўланмоқда. Кам таъминланган ходимлар Шамсия Исматова, Омон Рўзиев, Татьяна Таносогиева, Салима Эргашева, Мария Фёдороваларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиниб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти. Корхона тасарруфидаги «Пахтачи» ўйингоҳи тўлиқ таъмирланди.

Хуллас, аҳил жамоадаги меҳнатга муносабат, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат чинакам ютуқлар омили бўлмоқда. Бу эзгу ишда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни борлиги қувончлидир.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Репродуктив саломатлик

ОНА СУТИНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини мухофазалаш, мамлакат иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг Касби туманида 2 та шифохона, 1 та шифоатхона, 18 та қишлоқ врачлик пункти, 11 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ҳамда бошқа тиббий муассасалар ишлаб турибди. Уларда 174 нафар врач, минг нафарга яқин ўрта махсус маълумотли шифокорлар меҳнат қилаяпти.

Тиббиёт тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги тадбирлар шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тажриба ва малакасини оширишга қаратилган. Ихтисослаштирилган «Тез тиббий ёрдам» бўлимининг ишга туширилиши, 11 та янги қишлоқ врачлик пунктларининг қуриб, фойдаланишга топширилиши тармоқда ижобий ўзгаришларни вужудга келтирди.

Оналар ва болалар саломатлигини сақлаш устувор йўналиш бўлиб қолди. Туманда 105 ўринли болалар касалхонаси, 95 ўринли туғруқхона мажмуаси аҳоли хизматида. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш баркамол авлодни камол топтириш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган ташвиқот-тарғибот ишлари кучайтирилган. «Никоҳ ва оила» маслаҳатхонаси ташкил этилган. Бўлажак келин-куёвларнинг турмуш қуришдан аввал тиббий кўрикдан ўтишлари одатий ҳолга айланиб қолди.

— Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлигини таъминлаш, куч-қудратини ошириш, фуқаролар соғлиғи, оилалар осойишталиги соғлом авлод камолотига боғлиқ, - дейди биз билан суҳбатда туман оналар ва болалар шифохонаси бош ҳакими, олий тоифали врач Фармон Худойбердиев. — Айни пайтда 105 беморга мўлжалланган болалар шифохонаси, 150 та қабул қувватига эга болалар шифохонаси доимий хизматда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Оилани тиббий маданиятини ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашда устувор йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси қатъий назоратга олинган.

14 ёшгача бўлган 5338 нафар ўғил-қизлар саломатлиги йўлида 21 нафар болалар шифокорлари, 103 нафар ўрта тиббиёт ходимлари намунали хизмат қилиб келишаяпти. Улар беморларни дарддан фориғ қилиш йўлида ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Замонавий услубда кўрилган тиббиёт маскани турли муолажаларни ўтказишга мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган.

Болаларнинг бақувват бўлиб вояга етишлари учун аввало оила соҳиблари, оналарнинг тиббий маданиятига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. «Она сутининг мўъжизаси» мавзуида ўтказилган мулоқот туғиш ёшидаги аёлларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки она сутида айрим касалликларни пайдо қилувчи микроб ва вирусларга қарши курашувчи моддалар, аминокислоталар мавжуд. Бу сутни эмган бола гинография, рахит, диатез касалликларига чалинмайди. Шифохона ҳузурида ташкил этилган «Ёш оналар» мактаби машғулотлари қизиқарли ва мароқли бўлади.

Оналик ва болаликни муҳофазалашда 76 миллион сўм маблағ сарфланган, Шароф Рашидов ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Касби» қишлоқ врачлик пунктида олиб борилаётган ишлар ибратли. 60 қатновга мўлжалланган тиббиёт маскани Касби, Дўрмон, Ровот қишлоқларининг 5 мингдан ортиқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда яшаётган оналар ва болаларнинг соғлиғи алоҳида муҳофазага олинган. Ҳалима Кароматова ва Назира Рўзиева каби шифокорлар хонадонларда бўлиб, болалар муолажаси ва оилаларнинг тиббий маданияти хусусида суҳбатлар уюштиришаяпти. Касалликларнинг олдини олиш мақсадида кўкйўтал, қизамиқ, сил ва вирусли гепатитга қарши эмлаш ишлари ўтказилди.

И.ИСОМИДДИНОВ



Охунбобоев туманининг «Фарғона наслли парранда» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси 1972 йилдан буён мамлакатимиз парандачилик корхоналарига наслли парранда етказиб бермоқда. Ҳозир бу ерда 150 минг парранда мавжуд. Унда, асосан, «Белорус-9» зотли товуқлар парваришланади.

Корхона ишчилари бу йил 9 миллион дона тухум ва 70 тонна парҳез гўшт ишлаб чиқаришни режалаштиришган.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар



Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК

иш унумини таъминлади

«Мадиёробод» — Олтинқўлдагина эмас, вилоятда ҳам энг пешқадам хўжаликлардан. Жамоа миришкорлари деҳқончилик учун мураккаб келган жорий йилда 341 гектар майдонда пахта, 139 гектарда буғдой етиштирдилар.

Баҳорда кетма-кет сурункали ёққан ёмғир барча экинларни ривожини одатдагидан кечиктириб юборди. Кўплаб майдонга қайтадан уруғ экилди. Чигит бир текис униб чиқмаган жойларга қўлда уруғ қадалди. Хўжаликнинг 320 нафар аъзосининг фидокорона саъй-ҳаракатлари, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётганликлари эвазига ғўзалар баравж.

Ўз-ўзидан маълумки, моддий манфаатдорлик яхши бўлган жойда иш унуми ҳам яхши бўлади. Буни ширкат хўжалиги раҳбарияти ҳам яхши ҳис қилади. Ана шунга кўра, бу ерда иш шу асосда ташкил этилган.

Жумладан, чигит экиш арафасида аъзоларга бўнак пули тарқатилди. Ҳар бир гектар ер учун 22,5 килодан пахта ёғи берилди. Ҳар бир байрамда ишловчилар бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади. Бундан ташқари, тўй-маракаларда 10 килодан пахта ёғи, бир қоп ун ёрдам сифатида берилади. Буғдойдан бўшаган ерларда такрорий экин экиш учун 10 сотихдан фойдаланишга ер ажратилади.

Аҳамиятлиси шундаки, меҳнаткашларни саломатлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Мабодо, бирор киши бетоб бўлиб қолса, хўжалик касаба уюшма кўмитаси томонидан 10 минг сўмгача миқдорда ёрдам кўрсатилади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, хўжаликка қарашли 7 гектар боғ майдони мавжуд бўлиб, у ердан мўл ҳосил олинмоқда. Бу ердан олинаётган даромаддан меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаси, тўй-маракаси учун сарф қилинаяпти.

Шинам дала шийпонлари улар ихтиёрида бўлиб, барча қулайликларга эга. Бу ерда ишловчилар учун бир маҳал тушлик ташкил этилган. Хўжалик миришкорлари бу йил 5,5 тонна пилла, 518 тона дон топшириб, белгиланган шартнома режасини барвақт уддалашди. Шу йилнинг олти ойида 25 тонна юқори сифатли сут тайёрланиб, туман ҳудудидаги «Сардор» қўшма корхонаси билан тузилган шартнома муваффақиятли адо этилаяпти.Барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётган хўжалик аъзолари жорий йилда 666 тонна пахта етиштиришга аҳд қилишган.

Айни дамларда ғўзаларни бир текис ривожланишига эришилаётир. Шу кунгача 10-12 мартадан ғўза қатор ораларига ишлов берилди. Хўжаликда пудрат усули кенг қўлланилаётган бўлиб, ҳозирда 300 дан зиёд ижарачи фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик аъзоларидан Мавлуда Умарова, Садоқат Аҳмедова, Турдихон Жўрақуловалар барчага ўрнак бўлишаётир.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

МАТБАА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

Кўргазмалар Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Россиянинг Тошкентдаги элчихонаси расмий кўмагида ўтказилмоқда ва Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган.

Бу кўргазмалар бешинчи бор ташкил этилмоқда, бу эса уларни анъанавий дейишга тўлиқ асос беради. Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ ва хорижнинг 2О та компанияси кўргазмаларда матбаа, нашриёт иши ва рекламанинг асосий йўналишлари ҳамда қадоқлаш ва ёрлиқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги ускуналар, материаллар ва технологияларни тақдим этган.

Бу ерда матн ва сурат шаклидаги ахборотни қайта ишлаш, ранг ажратиш учун компьютер технологиялари ва ускуналари, энг янги матбаа машиналари ва матбаа жараёнининг замонавий технологиялари, ёрлиқлаш ва қадоқлаш саноати учун ускуналар ва материаллар намойиш этилмоқда.

Кўргазмалар мавзуси бежиз танланмаган. Маҳсулотни қадоқлаш ва унинг матбаа ижроси Ўзбекистонда ва бутун Марказий Осиё минтақасида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Боз устига бу тармоқ ҳозир энг оддий товарни ҳам рақобатбардош қилиш учун деярли чекланмаган технологик имкониятларга эга. Сир эмаски, кўпинча ўзимизнинг маҳсулот айнан шу сабали чет эл товарларига ютқазиб қўяди.

Халқаро саноат анжумани кўргазмаларнинг таркибий қисми бўлади. Унинг доирасида матбаа тармоғи, қадоқлаш саноати ва ёрлиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари бўйича техник ва технологик семинарлар, конференциялар ўтказилади, экспонент фирмалар ва республика ҳудудида амалга оширилаётган янги лойиҳаларнинг тақдимотлари уюштирилади, ҳудудлар вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

ФЕРМЕРЛАР ҲИММАТИ

Денов туманидаги «Гулобод» қишлоғидаги артезиан қудуғининг кўзи битиб, аҳоли тоза ичимлик сувига зориқиб яшар эди. «Холмуҳаммад бобо» фермер хўжалиги раҳбари Каромат Ҳасанов ўз ҳисобидан олти миллион сўм пул сарфлади ва янги артезиан қудуғи қаздириб, ҳамқишлоқларини чучук сувдан баҳраманд этди.

«Имомназар» фермер хўжалиги бошлиғи Неъматжон Назаров эса шу куни қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизишга бел боғлаганлигини билдирди. Ҳиммати фермерларнинг бундай хайрли ишларидан эл мамнун.

ҲОМИЙНИНГ СОВҒАЛАРИ

Наманган вилоятида катта теннис тобора оммалашиб бормоқда. Бу ерда уни ёшу қари ўйнайди.

Ёш теннисчилар турнири кўп наманганлик ўқувчилар учун эсда қоларли бўлди. «Ifoda droyp LLC» компанияси бош директори О.Исаев «Дўстлик» тенниси клуби кортларида бундай мусобақа ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Тўққиз ёшли теннисчилар Р.Аҳмадалиев, Ш.Иброҳимова, А.Амиров ва бошқаларга ҳомийнинг совғалари топширилди.

Касаба уюшма ва маҳалла ҳамкорлиги

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ

Жорий йилнинг «Обод маҳалла йили» дея эътироф этилиши Сирдарёдаги 1565 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилоти олдига ҳам масъулиятли вазифа юклади. Чунки ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишларида касаба уюшманинг ҳам ўрни бор. Шу боис мазкур жамоат ташкилотлари дастур доирасида оммавий ишларни кўпайтиришга турли тадбирлар ташкил этишда бош-қош бўлаётир.

Касаба уюшмалари вилоят Кенғаши йил бошида маҳаллалардаги кенг миқёсли тадбирларни ишлаб чиқиб унинг ижросини таъминлашни бошланғич ташкилотлар зиммасига юклаганди. Амалий ҳаракат муддатида бошланди. Вилоят ҳокимлиги касаба уюшмалари ҳамкорлиги натижаси ўлароқ қишлоқ ва шаҳарларда «Маҳалла кунлари», «Маҳалла байрам» анъанага айланди.

«Маҳалла байрами», кўплаб тадбирлардан фарқланади, – дейди маданият ходимлари касаба уюшмаси вакиллиги раҳбари Пиримқул Дўстмаматов. – Унда маҳаллаларда маданий-маиший иншоот, гузарлар барпо этиш, ишсизлик муаммосини бартараф қилиш, янги иш ўринларни очиш каби ўнлаб қишлоқ муаммолари ҳал этилади. Бу эса маҳалла тароватини ошириб, одамларга бир қатор қулайликлар яратади. Қайси маҳалла байрам ўтказиш тараддудига тушса ҳудудидаги корхоналардан тортиб тадбиркор-фермергача ҳисса қўшиш, гўшани обод қилишдек савобли ишлардан четда турмасликка интилади.

Ўтган фурсатда ана шундай саъй-ҳаракат туфайли қатор гузарлар иш бошлади. Янгиер, Мирзаобод, Сирдарё каби туманларда янги маҳалла гузарлари, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари аҳоли ихтиёрига топширилди. 30 дан ортиқ маҳаллада касаба уюшма ҳамда Американинг «Винидрок Интернэшнл WILL» лойиҳаси асосидаги тренинглари ўз амалий натижаларини берди. Бир мисол. Мирзаобод машина-трактор парки бошланғич касаба уюшма ташкилоти, Наврўз маҳалла қўмитаси ҳамда WILL лойиҳаси ҳамкори Муҳаббат Қурбонованинг биргаликда ўтказган «Ишсизлик муаммоси уни маҳалла аёли қандай бартараф этиши мумкин» мавзусидаги тренингида 30 дан ошиқ уйда ўтирган хотин-қизлар иштирок этди. Улар малакали мутахассислар ёрдамида ўз йўлини топиш муаммосини ҳал этишда, аввало ўзига ишонч кучли бўлишини англаб етишди.

Кам таъминланган, кўп фарзандли оила аҳволи ҳам маҳаллага аён. Касаба уюшма ва маҳалла қўмиталари ўз ҳудудида яшовчи 15 мингдан ошиқ ана шундай хонадонларни қўллаб-қувватлаш зарурлигига ҳам эътибор қаратаётир. Бундай хайрли ишларга тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ҳам ҳомийлик қилаётгани меҳр-оқибатдан даракдир. Ўтган йиллар давомида 250 нафардан ошиқ ёлғиз кексалар, ногиронлар, қаровчисини йўқотган кишиларнинг уйлари таъмирдан чиқарилди, ёхуд янги уй қуриб берилди. Спортнинг маҳаллада, оилада томир отиши ўспиринларга кўл келяпти. «Оилавий спорт», «Маҳалла ғолиблиги учун» баҳсларнинг тез-тез уюштирилиши диққатга сазовор. Бир мисол. Оқ олтин туманида «Боғистон» маҳалласи бор. Даҳани ўз ичига олган маҳаллада ибратли тадбирларни уюштириш кенг тус олган. Таълим ва фан ходимлари туман вакиллиги ҳамда маҳалла қўмитаси ҳамкорлигида бу ерда ажойиб беллашув ташкил этилди. Ҳудудида яшаб ўтган ажойиб инсонлар хотираси учун футбол, кураш мусобақалари ўтказиш анъанага айланган. Яқинда 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида даҳалараро марафон ўтказилди. Қишлоқ аҳли қалбини ҳаяжонга тўлдирган беллашувга фермерлар ҳомийлик қилишди. Ғолибларнинг ҳар бири мукофот билан тақдирланди. Ёшлар эса навбатдаги учрашувларга тайёрланиш, унда ғолиб бўлиш иштиёқи билан яшамоқда. Ҳокимлик, «Камолот» жамғармаси ва касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган «Фермер фарзандлари спартакиадаси» ҳам катта натижалар беряпти. Биргина Ховос туманида бу беллашувда 300 нафардан ошиқ ёшлар ғолиблик учун баҳслашдилар.

Тўй-маросимларини ихчамлаштириш, ободончиликни таъминлаш борасида ҳам муайян ишларга қўл урилган.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Тадбиркорлик – давр талаби

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБИ

кам таъминланган оила фарзандлари учун

Ёш тадбиркор, иқтисод фанлари номзоди Суннат Эргашев бундан уч йил бурун Дўстлик туманида «Эл-Эрк-Нур» ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этганди. Дастлабки йилларда 15-20 нафар киши иш билан таъминланган бўлса, айни чоғда бу ерда 120 нафар киши меҳнат килмокда. Уларнинг ойлик иш ҳақлари ўртача 30 минг сўмни ташкил этмокда. Шу билан бирга ишчилар махсус кийим-бош, ҳар куни икки маҳалдан бепул иссиқ овқат билан таъминланишган. Корхона ҳисобидан ишчиларга ёғ ва бошқа озиқ-овқат махсулотлари тарқатиляпти.

Бу ерда ҳар куни 80 тонна атрофида чигит қайта ишланиб, 12-13 тонна мой ишлаб чиқариляпти. Фермерлар билан шартнома тузилган бўлиб, уларга ўсимлик мойи, кунжара, шелуха етказиб берилаётир.

Ишлаб чиқариш кўламини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз, – дейди раҳбар Суннат Эргашев. – Барча ускуналарни Франциядан келтирганмиз. Жорий йилдан бошлаб совун ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик. Бир литрлик полиэтилен идишларда мой қадоқлашни ҳам йўлга қўйдик. Таъмирлаш цехи қуриб, металл йўнувчи, сайқалловчи ва деталлар ясовчи 6 та дастгоҳ сотиб олдик.

Корхонанинг саховатли ишлари кўп. Туманда яшовчи 5 та кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар оталиққа олинган. Уларга байрам кунлари мой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Яқинда корхона раҳбари ўз даромадини ҳисоблаб кўриб, кам таъминланган оила фарзандлари учун иқтидорли ўқувчилар мактабини ташкил этишга киришди.

– Ҳар бир синфда 8-10 нафар бола ўқитилади, – дея суҳбатни давом эттиради Суннат ака. Мактабга ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам танлов асосида қабул қилинади. Ўқитувчилар ойлиги икки-уч бароварига оширилади. Ўқувчиларга стипендия берилади. Ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-бош корхона ҳисобидан берилади.

Н.БЎРИЕВ

Суратда: корхона ҳаётидан лавҳа

Истеъмолчи манфаати муқаддас

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ

«Жиззахбалиқ»да сунъий тарзда ошмоқда. Нима учун?

Ҳуқуқий жамият қуриш сари интилар эканмиз, ҳар бир жабҳада қонун устувор бўлиши муқаррар. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабига кўра сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот рекламада ёркин акс эттирилиши лозим.

«Жиззахбалиқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида, қонуннинг бу талабига риоя этилмаяпти. Фақат шугина эмас. Мазкур жамоада Қонун талаб этганидек, ишлаб чиқарувчи истеъмолчига тақдим этаётган маҳсулотлар ҳақида ўз вақтида зарур тўғри ва тушунарли маълумот бериш ҳам унутилган.

Шу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган ёзма кўрсатмага беписандлик билан муносабатда бўлинди. Ўз вақтида жавоб берилмади.

Бундай бепарволик «Жиззахбалиқ» раҳбарига қимматга тушди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 августдаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) тўғрисидаги зарур ахборот, товар (иш, хизмат) тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги туфайли у энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баробари миқдорида жаримага тортилди.

Бундан ташқари, «Жиззахбалиқ» 1999 йил 21 декабрдан вилоят ҳудудидаги товар бозорида балиқ маҳсулотлари сотиш бўйича монополист корхоналар Давлат реестри рўйхатига киритилган. Шунга қарамасдан корхона 2001 йил давомида солиқларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланадиган харажатларига қўшиладиган махсус бюджетдан ташқари жамғармалар харажатларига киритиш унутилган. Шунингдек, 187 минг 200 сўм миқдорида ходимларга тўланадиган моддий ёрдамга киритиш ўрнига бошқа харажатларга тақсимот қилинган.

Харажатларини нотўғри тақсимот қилиш натижасида олинган ноқонуний даромадга юз фоиз иқтисодий санкция қўлланиб, корхона 2 миллион 386,8 минг сўм миқдорида жаримага тортилди.

Олимжон ҚУЛМАТОВ, Жиззах вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи

«ҚАДАМ БАҚАДАМ» АМАЛДА

Пойтахтимиздаги 1-болалар боғчасида Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармасининг Пекас лойиҳаси Step by step («Қадам бақадам») дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Дастурдан кўзланган мақсад боғча болаларининг қизиқишини инобатга олган ҳолда уларни келгуси ҳаётга тайёрлаб боришдан иборат. Болаларда боғча давридаёқ муайян бир касбга, фанга ўйғониши табиий. Бунда уларга мактаблардаги ва мактабгача тарбия муассасаларидаги тўгараклар ва тайёрлов гуруҳлари яқиндан кўмаклашади. Дастур ана шундай йўналишдаги ишларни янада жонлантиришдан иборат. Унда тарбиячилар малакасини ошириш ҳам мўлжалланган.

(ЎзА)

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

кекса онага уй қуриб берилди

Қамаши туманида бу йил 30 минг 440 тонна дон йиғиб олинди. Шундан 3 минг 280 тоннаси уруғлик. Ҳосилдорлик ҳар гектаридан 60 центнерни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга ошди.

Бу ютуқларда «Ғаллакор» ширкат хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Жамоа аъзолари далалардан 13 минг 22 тонна дон йиғиштириб олиб, шартнома режаларини шараф билан уддаладилар.

Чунки 250 нафар пудратчи кўтаринки руҳ билан ишлади. Бунинг учун уларга етарли шарт-шароит яратиб берилди. Шийпонлар ҳордиқ масканларига айлантирилди. Ишчилар иссиқ овқат билан ўз вақтида таъминланди. Бу эса уларнинг ғайратига-ғайрат қўшди.

Хуллас, самарали меҳнат, беҳаловат, суронли кунлар-тунлар зое кетмади. Ялангтўш ғаллакорларнинг уйи буғдойга, қалби қувончга тўлди. Бири икки бўладиган бўлди.

– Нима бўлса элга бўлсин дейман. 38 та қишлоқда яшаётган 30 минг нафар халқимни бахт-саодатли кўриш менинг олий тилагимдир, – дейди ширкат хўжалиги раиси Норқул Эргашев.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш хўжалик раҳбариятининг ўз олдига қўйган эзгу мақсадидир. Бу йўлда эсда қоларли ишлар амалга оширилаётир. Қишлоқларни ободонлаштириш, газлаштириш ишлари анча илгарилаб қолди. Қурилаётган 800 ўринли мактаб учун хўжалик 30 фоиз миқдорида маблағ ажратди. Унинг дастлабки корпуслари қуриб битказилади.

Кам таъминланган, ночор оилаларга ҳам кўмак бериляпти. Мисол учун ёлғиз, кекса Людмила Шерхановага уй қуриб берилди. Бундан онахоннинг боши кўкка етди. Ўксик кўнгли малҳам топди. Уруш ва меҳнат фахрийларидан 47 нафар кишига 200 килограммдан буғдой тарқатилди.

Хўжалик касаба уюшмасининг фаолияти ҳам сезиларли. Меҳнаткашларнинг 24 нафар фарзандлари мавсумда Яккабоғ туманидаги Улуғбек номли болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. «Қизилтепа» хусусий санаторийсида эса шу йил 15 нафар ишчи ўз саломатлигини тиклади.

Шарофат ИСКАНДАР қизи,
«Ишонч» мухбири

Саволларингизга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради

САВОЛ: ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати қандай ва у қайси тартибда берилади?

О.Юсупова,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олиш ҳуқуқига меҳнат шартномаси бўйича ишловчи барча аёллар иш стажидан қатъий назар эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 233-моддасига мувофиқ туққунга қадар 70 календар кун ва туққандан кейин 56 календар кун, айрим ҳолларда яъни туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилганда 70 календар кун муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилади.

Белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилини бериш учун асос бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг умумий муддати жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, тиббий хулосада белгиланган кундан эътиборан аёлга тўлиқ берилади. Унинг туғиш санаси аёл туғишга қадар бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланганидан қатъий назар ўзгармайди.

Масалан, икки аёлга жорий йилнинг 1-январидан 5-майга қадар ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган. Уларнинг иккаласида 70 календар кундан кейин эмас, айтайлик, биттасида таътил бошлангач, 64 календар кундан кейин, бошқасида эса 72 календар кундан сўнг бола туғилган. Шунга қарамай, иккала аёлнинг ҳам ҳомиладорлик ва туғиш таътили 5-майда тугайди.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг умумий муддати фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, хусусан, туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда кўпайтирилади. Бундай ҳолларда таътилнинг умумий муддати 140 календар кунгача кўпайтирилиши керак. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилини кўпайтириш учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асос бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати календар куни ҳисобланиши сабабли, бу таътил ҳисобига фақат иш кунларигина эмас, балки дам олиш ва байрам кунлари ҳам қўшиб ҳисобланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили ва боласи 3 ёшга тўлгунга қадар, яъни бола парваришлаш таътили даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига, шунингдек, кейинги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берадиган стажга қўшилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида аёлга ўртача иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида нафақа тўланади. Уни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136–сон билан рўйхатга олинган Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

САВОЛ: қандай ҳолларда ходимлар таътилни узайтириши ёки уни бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга?

М.Мавлонбердиева,
Гулистон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 145-моддасига мувофиқ, ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

– вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

– ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

– йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

– давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Меҳнат Кодекси 145-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимнинг аризасига биноан меҳнат таътилини бошқа вақтга кўчириши шарт. Жамоа келишувлари, жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномаси билан ходимлар таътилни узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга. Масалан, ишлаб чиқариш юмушлари энг кам бўлган даврда ходимнинг, икки ёки ундан ортиқ боласи бор аёлнинг, ёхуд ўн беш йил ва бундан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимнинг илтимосига биноан ва ҳоказо.

ФЕДЧЕНКО МУЗЛИГИДА МЕТЕОСТАНЦИЯ

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилаётган Марказий Осиёда табиий заҳираларни бошқаришни такомиллаштириш дастури (NRMP) Федченко музлигига (Тожикистон) АҚШнинг "Кэмпбелл сайнтифик корпорейшн" компаниясида ишлаб чиқарилган автоматик метеорология станциясини ўрнатиш лойиҳасини якунлади.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон ва Тожикистон Бошгидрометералогия хизмати ҳамда метеор алоқаси бўйича "Метеор берст корпорейшн" корпорацияси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Федченко музлигидаги янги станция Амударё ҳавзасидаги сувларни ҳисоб-китоб қилиш учун керакли маълумотларни йиғади ва таҳлил қилади.

Қуёш батареясида ишловчи станция оддий узатувчилар, маълумотларни қайд этувчи ускуналар билан жиҳозланганки, у маълум вақт давомида метеорологик кўрсаткичларни автоматик равишда ўлчаши ва қайта ишлаши мумкин. Ушбу масофавий, одамларнинг музликда доимий бўлишини талаб қилмайдиган станциянинг асосий афзалликларидан бири ёғинларни ўлчашда фойдаланадиган ускуна ҳисобланади.

Помирнинг "муз юраги" ҳисобланган Федченко музлиги Марказий Осиёдаги энг катта музлик ҳисобланади. У Помир тоғлари музликларидан тўйинадиган минтақадаги дарёларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Федченко музлигининг узунлиги 70 километрдан ошади, ҳудуди эса 906,3 квадрат километрни ташкил этади. Музнинг қалинлиги 800 метрга етади. Турли метеорологик маълумотларни йиғиш мақсадида музликда 1935 йилдан 1995 йилгача йирик метеостанция ишлаб турарди.

Метеорологик станцияда кузатувларнинг қайта тикланиши метеорологик ахборотларни, гидрометеорологик прогнозлашни, шунингдек Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги сув заҳираларини бошқаришни тубдан яхшилайди. Бу шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистон мутахассисларини яқин ҳамкорликда ишлашига ҳам кўмаклашади.

"Туркистон-пресс"

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ФУҚАРОЛАРГА АВТОКРЕДИТ

Кейинги йилларда мамлакатимизда банклар фаолиятини ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш борасида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда. Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи Акциядорлик-тижорат «Савдогарбанк»нинг Хоразм вилоят бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилди.

Бўлим 308 та мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 тага кўпайди деганидир. Жами кредит қўйилмалари 481,8 миллион сўмни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 382,5 миллион сўмга ошди.

– Ўтган йили барча муддати ўтган кредитлар қайтариб олинишига эришилди, – дейди бошқарувчи А.Юсупов. – Сўнгги 5 ой мобайнида ҳам муддати ўтган кредитларга йўл қўйилмади. Шу давр мобайнида 73 та мижозга жами 410,7 миллион сўмлик кредит ажратилди. Қарзларнинг 150 миллион сўми ўрта ва кичик бизнес субъектлари ривожига йўналтирилди. Қувонарлиси, банк томонидан кўрсатилаётган ёрдам ўз самарасини бермоқда. Масалан, меҳнат бандлиги жамғармаси орқали умумий миқдори 12 миллион сўм бўлган 17 та кредит эвазига 52 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар миқдори эса 955,8 миллион сўмни ташкил этди.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, Янгиариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги негизида ташкил қилинган фермер хўжаликларидан 25 тасига имтиёзли кредитлар ажратилди. 190 миллион сўмлик имтиёзли кредит улгуржи савдо бозорларида ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ривожлантириш учун йўналтирилди. Масалан, «Хоразм Сарбон» улгуржи базасига 45 миллион сўм, «Ноёб Импекс» масъулияти чекланган жамиятга 75 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Булардан ташқари, 180 миллион сўм миқдорида 28 нафар кишига автокредитлар берилди.

Б.ЭРНАФАСОВ,
«Ишонч» мухбири

Қонун барчага баробар

ЎҚИТУВЧИЛАРГА АТАЛГАН БЎНАК ПУЛЛАРИ

Ўзлаштирилди. Нега?

Пастдаргом туман прокуратураси томонидан тумандаги корхона, ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ижроси юзасидан бир талай ишларни амалга оширмоқдалар.

Жумладан, тумандаги 164-сонли йўловчи ташиш корхонасида мазкур қонунчилик ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, унинг 2003 йил 1 апрел куни ҳолатига жами дебитор муддати ўтган дебитор қарзи 19 миллион 24 минг сўмни кредитор қарзи 14 миллион 57 минг сўмни ташкил қилишлиги аниқланди.

Корхонанинг 2003 йил 17 апрел куни ҳолатига иш ҳақидан қарздорлиги 5 миллион 695 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, фуқароларнинг манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан туман халқ таълими бўлимида иш ҳақларини ўз вақтида тўланишига қаратилган қонунларнинг ижроси юзасидан умумий назорат тартибида текшириш ўтказилганда, 108-сонли ўрта мактаб директори Б.Мўминов хазинадан ўқитувчиларнинг феврал ойи иш ҳақи ҳисобидан олган 400 минг сўм бўнак пулларни ўқитувчиларга тарқатмасдан, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланди. Унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ш.САРИЕВ

КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА

Гулистон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Мустақиллик байрами арафасида 90 ёшдан 110 ёшгача бўлган отахон ва онахонларнинг аҳволидан хабар олинди.

- Биз шаҳардаги 33 нафар иккинчи асрга қадам қўйган кексаларнинг хонадонларида бўлдик, - деди Гулистон шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Шокир Тошбеков "Туркистон-пресс" мухбирига. -Истиқлол байрами билан 108 ёшли Аюб бобо Усмонов, 103 ёшли Файзи момо Охунжонова, Гулшан момо Мухаммаджонова, Иззат момо Тошбекова ва 101 ёшли Лайло момо Қурбонова ҳамда бошқа отахон ва онахонларни қутладик.

Ш. Тошбековнинг таъкидлашича, табаррук ёшдаги бу инсонларга байрам совғалари улашилди. Шунингдек, бир асрдан ортиқ умр кўрган отахон ва онахонларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туриш учун оталиқ ташкилотлар ва тиббиёт ҳамширалари биркитилди.

"Туркистон-пресс"

Шу кунларда республикамиз деҳқонлари пешона терлари эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун барча чораларни кўришмоқда. Китоб туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалигининг пудратчиси Мусурмон Тўйчиев ҳам режадаги 90 тонна ўрнига 130 тонна помидор ҳосилини етиштириб, белгиланган режасини ортиғи билан бажарди. Бунда бригада ишчиси Шаҳноза Маҳкамованинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Суратда: ҳосил теримидан лавҳалар.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар

«ДЎСТЛИК» ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Андижон вилоятида республика корхоналарида ишлаб чиқарилган товарлар ярмаркаси очилди. У қўшни Қирғизистон билан чегарада, вилоятдаги энг йирик «Дўстлик» божхона маскани яқинида ташкил этилди.

Ярмарка ички бозорда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини сотиш, истеъмолчиларни сифати паст моллардан ҳимоя қилишга қаратилган. Харидорлар эътиборига 900 турдаги товарлар ҳавола этилмоқда. Тадбир вилоят прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган иқтисодий чоралардан бири саналади.

- Йил бошидан буён мамлакатимиз ҳудудига товарлар олиб киришни тартибга солувчи ҳукумат қарорини 3952 та бузиш ҳолати аниқланди,- дейди Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Жўраев. - 3715 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, 116 та ҳолатда жиноий иш қўзғатилди. 1 миллиард 675 миллион сўмлик ноқонуний олиб кирилган товарлар мусодара қилинди. Улар тегишли равишда расмийлаштирилгандан сўнг аҳолига сотилди.

(ЎзА)

Гиёҳвандлик — иллат

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўп. Афсуски, мана шу яратилаётган қулайлик ва ғамхўрликларни назарга илмай, енгил-елпи яшашни ихтиёр этаётганлар онда-сонда бўлсада учраб турибди. Ачинарлиси, уларнинг аксарияти ёшлардир.

«ОВ» БАРОРИДАН КЕЛМАДИ

Қаршилик Нуриддин Суюнов ҳам ана шундайлардан бири. У ҳамтовоқлари Ғофур Ширинов, Абдураҳмон Очилов, Аслон Ҳайитовлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, гиёҳванд моддалар савдо-сотиғи билан шуғулланган.

Н.Суюнов 2002 йилнинг апрел ойи охирларида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Соҳиб исмли фуқаро билан танишган. 19 май куни унинг уйига вафот этган онасига таъзия билдиргани бухоролик таниши Ғофур Ширинов келади. Орадан 10 кун ўтар-ўтмас Қарши шаҳрига Н. Суюновнинг термизлик қадрдони уч дона полеэтилен пакетга ўралган гиёҳвандлик воситасини олиб келади. «Ови» юришиб қолганидан суюнган Нуриддин фурсатни бой бермай, Бухорога Ғофур Шириновнинг уйига жўнайди. Улар маҳсулотни 300 минг сўмга сотиш юзасидан ўзаро фикрлашиб оладилар. А.Ширинов героин гиёҳвандлик воситасини фуқаро Артур Маиловга сотади. Бироқ 10 июл куни «Бухоро-1» темир йўл бекатида Артурни ички ишлар ходимлари қўлга оладилар. Тинтув ўтказилганида унинг чап чўнтагидан 3 дона ўрамда 29,77 грамм миқдордаги гиёҳвандлик воситаси чиқади. Артурнинг ушланганидан бехабар Н. Суюнов ва Ғ. Шириновлар ўз фаолиятларини янада кенгайтирадилар. Лекин Ғофур бу хатти-ҳаракатлари яхшиликка олиб келмаслигини, шу зайлда охири боши берк кўчага кириб қолишлари мумкинлигини ҳис этарди. Ниҳоят у улфатининг режалари тўғрисида ички ишлар бўлимига хабар беради.

2002 йилнинг 25 июлида олдиндан режалаштирилган навбатдаги «ов» Н. Суюнов ва унинг ҳамтовоқлари учун бароридан келмади. Абдураҳмон Очилов, Аслон Барноевлар билан жиноят содир этаётган пайтда қўлга тушдилар.

Собир УМАРОВ,
Бухоро транспорт прокурори, Адлия кичик маслаҳатчиси

БОЖХОНА ПОСТИДА ТЎХТАТИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида Қорақалпоғистон ҳудудига ноқонуний товар-моддий бойликлар олиб келинишининг 458 та факти аниқланди.

- Жами 121 миллион 417 минг сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара этилиб, шундан 52 миллион 779 минг сўмлиги давлат бюджетига ўтказилди- деди Қорақалпоғистон республикаси божхона бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи Бахтиёр Йўлдошев "Туркистон-пресс" мухбирига. Аниқланган 14 факт бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Республика божхона бошқармасининг контрабанда, божхона қоидаларининг бузилишига қарши курашиш бўлими, 8-"Тахтакўпир" божхона пости ходимлари билан биргаликда 2003 йил 14 июн Қозоғистон Республикаси билан чегарада Тахтакўпирда яшовчи Юсупбой Бозорбоев бошқарувидаги "Урал-20015" русумли, давлат рақами 52-79 КПН "Катекс" акциядорлик жамиятига қарашли автомашина тўхтатилиб, божхона кўригидан ўтказилганда автомашина кузовида картон қутиларга солинган, умумий нархи 41 миллион 62 минг сўмлик хорижий пойабзаллар борлиги аниқланди. 25 июн куни 4-"Довуд ота" божхона пости ходимлари Россия Федерациясидан келган фуқаро Турсунбой Матчонов бошқарувидаги КамАЗ-53212 русумли, давлат белгиси 22А 19-08 автомашинада Муяссар Жуманиязова Пятигорск шаҳридан 10 минг жуфт оёқ кийимлар олиб келаётганини аниқлашган. Лекин ушбу юкларни божхона постидан расмийлаштириш учун "Нукус-ТИФ" божхона постига олиб келинганда 10 минг жуфтдан ташқари 41 миллион 73 минг сўмлик оёқ кийимлар ва 552 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб келаётганлиги аниқланди. 23 июлда Қорақалпоғистон темир йўл бекатида "Бейнеу-Қўнғирот" йўловчи поездининг биринчи вагони божхона назоратидан ўтказилганда Хужайли шаҳрида яшовчи Жанилсин Нажиматдинова баҳоси 2 миллион сўмлик хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган пойабзаллар ва газламаларни ноқонуний равишда олиб келаётганлиги аниқланди.

"Туркистон-пресс"

Беруний таваллудининг 1030 йиллигига

БУЮК ҚОМУСИЙ ОЛИМ

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 150 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдиргани маълум. Бу асарлардан ўттиздан ортиғигина бизгача етиб келган. Улуғ олимнинг «Минерология», «Сайдана» ва «Ҳиндистон» каби йирик асарлари жумлаи жаҳонга машҳур. Беруний шу уч асаридаёқ комусий олим, астроном, геолог, тарихчи, файласуф, географ, математик, физик, филолог, таржимон ва шоир эканлигини исбот этди. У гидростатика, география ва физика соҳасидаги рационал фикрлари билан Коперник ва Леонардо да Винчи ва бошқа олимларнинг қашфиётларини олдиндан айтишга улгурган. У адабиётчи олим сифатида турли даврларда, турли халқлар томонидан яратилган қиссаларни ўқиб, уларнинг девонларига, китобларига шарҳлар ёзиб «Мухторул-ашъор» тўпламини тузган.

Беруний «Муқанна» асарини ёзганда ҳали 20 ёшдан ошмаган эди. У 25 ёшидаёқ тарих, маданият, дин, фалсафа билан кенг шуғулланганлиги туфайли «Ўтмиш аждодлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзиб, туркий халқларнинг йил ҳисоби, календари, илм-фани, урф-одати ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Бугунги кунда «беруниийшунослик» билан шуғулланувчи олимлар жаҳон бўйлаб тарқалган, десак муболаға эмас. Беруний тадқиқотлари ичида энг катта ва ҳудудий доираси кенг, қамраб олган илмий мавзуларининг кўламлилиги жиҳатидан «Ҳиндистон» асари ниҳоятда беқиёсдир. Бу асарни немис олими Эдуард Захау 1888 йилдаёқ инглиз тилига таржима қилиб, арабча матни билан биргаликда чоп эттирди. Шундан кейин бу асарнинг мавқеи бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалиб кетди. Бу асарнинг ўзбекча таржимаси 1965 йилда амалга оширилган. Умр бўйи қилинган мазкур тадқиқотнинг самараси сифатида фаолият юритган олим кейинчалик Берунийнинг илмий фаолияти хусусида фикр билдириб: «Унга тенг келадиган бирор олимнинг на ундан олдин, на ундан кейин дунёга келганлигини биз билмаймиз», деб дадил айтган эди. Жаҳон тарихини жуда яхши биладиган Жорж Сартон 1927 йилда ёзган тадқиқотларининг бирида XI асрни тўғридан тўғри «Беруний даври» деб атайди. Академик Розен Берунийнинг биринчи «Ҳиндистон» асарини тадқиқ қилиб, уни ўрта аср Ғарб ва Шарқида мисли кўрилмаган ёдгорлик деб эълон қилади. Яна бир ҳиндшунос, профессор Чаттержи Берунийнинг бу асарини ўрганиб чиқиб: «Илм оламида ҳинд, мусулмон ва эллин маданий меросини бир хилда чуқур биладиган фақатгина бир киши – у ҳам бўлса Беруний эди», деб эътироф этган эди.

Чиндан ҳам Беруний биринчи ҳиндшунос олимгина эмас, балки барча давр ҳиндшунослигининг ҳам отаси эди. Унинг Ҳиндистон ҳақида тадқиқот ёзиши тасодифий эмас. Буюк шарқшунос олимларнинг барчаси хоҳ аниқ фанлар йўналишида бўлмасин, хоҳ ижтимоий фанлар йўналишида бўлмасин, уларнинг бари қадимги ҳинд маданияти билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Берунийдан олдин ўтган буюк математик Мусо Хоразмий ҳам математика, астрономия ва география фанлари бўйича ўрганган билимларини рўй-рост айтиб, уни оммалаштириб кетганлиги бизга маълум. Мусо Хоразмийни ўзига устоз, муаллим деб ҳисоблаган Беруний қилолмай кетган ишларни илмий аниқ сифатида давом эттирди. Берунийнинг қадимги ҳинд адабий тили-санскритни чуқур ўрганганлигини тадқиқ этган Калькутта дорилфунуни ўқитувчиси Чаттержи 1951 йилда инглиз тилида ёзган асарларининг бирида Берунийнинг ҳиндчани ўзлаштириши, дастлаб панжоб, паҳлавий ва афғон ҳиндиларининг тилини ўрганишдан бошлаганлигини эътироф этади. Беруний ўз асарида ҳиндлар ҳаётининг турли қирраларини қамраб олишга ҳаракат қилиб, уларнинг урф-одатларига, диний ирим-сиримларига, олимларининг фикрларига, ақлий ҳам ҳиссий тушунчаларига, жоннинг жондан кўчиб юриши хусусидаги таносухий қарашлари, бутпарастлик майларига, уларнинг диний муқаддас китобларига, ҳамма-ҳаммасига жуда жиддий ва эҳтиёткорона муносабатда бўлади. Бунда у ҳинд тили ва ёзувлари, грамматикаси, оғзаки ижоди, ёзма ёдгорликлари, шеърияти, тарихи, ҳикматшунослик илмлари хусусида бир-биридан қизиқарли маълумотлар келтиради.

Китобнинг каттагина қисми ҳиндларнинг планеталар ўртача ўринларини ҳисоблашга қаратилган бўлса, кейинги бир боби қуёш ва ойнинг ерга нисбатан ўйнаган мавқеи хусусида, уларнинг бир-биридан узоқлиги, ҳажмларига бағишланган. Беруний ҳинд олимларининг қуёш, ой ва юлдузлар ҳақидаги қарашларини келтириб, йўл-йўлакай уларнинг расм-одатлари, эътиқодлари устида ҳам тўхталиб ўтади. Тадқиқотнинг бир неча боби замон ва вақт, оламнинг тузилишига, пайдо бўлиши ва йўналиши, сутка, кун, ой, тил, аср ҳақидаги қарашларига ҳам бағишланган.

Берунийнинг ҳиндлар тарихидан келтирган бу илмий далиллари бугунги тарихчи, астраном, географ, математик, фольклорчи ва адабиётчи олимлар учун ҳам етарли озуқалар бера олади. 80 боб ва 500 саҳифани қамраб олган бу улкан асар, Берунийнинг ғоят катта заковатидан дарак беради. У ҳиндларнинг қадимий маданиятини, фаннинг ўрганиш истагида X асрда ўлик тилга айланган санскрит номи билан юритиладиган адабий тилни ўрганишга бел боғлайди. Чунки ҳиндлар тарихини чуқур акс эттирган «Веда», «Пурана», «Махабхарата», «Санкҳья» каби машҳур асарларни ўрганмасдан туриб илмий ҳукм-ҳулосалар айтиш мумкин эмас эди. Беруний яшаган даврда санскрит тилини биладиган олимларнинг ўзи бармоқ билан санарли даражада жуда оз бўлган. Беруний шу тилни биладиган олимларни излаб топди, улардан ўрганди. Натижада, олим ҳиндларнинг «Санкҳья» ва «Патанжали» номли асарларини араб тилига таржима қилади. Бу китобларда қадимги ҳиндларнинг эътиқодлари ифода этилган эди. Шунингдек, Беруний араб тилида юнон олимларидан таржима этилган Эвклиднинг «Аносир» китобини ва Птоломейнинг «Альмагест» асарини санскрит адабий тилига таржима қилиб берди. Берунийнинг ҳиндларнинг мавжудод дунёсига бағишлаб ёзган «Жотака» номли бир китобини ҳам араб тилига таржима қилди. Беруний ўша давр табобатининг аҳвол руҳияти хусусида фикр билдириб, уларнинг «Чорака» (Оқил) деб номланган китоби бутун ҳинд бўйлаб ёзилган барча табобатга доир асарларидан аъло эканлигини баён қилади. Синчков олим ҳиндларнинг шеъриятига, уларнинг оғзаки ижодига даҳлдор бўлган машҳур асарларини ҳам қунт билан ўрганади. Жумладан, «Калила ва Димна» номли мажозий услуб билан ёзилган улуғ асарни қадимги паҳлавий тилидан арабчага таржима қилиш нияти борлигини айтиб ўтган эди. Ибн Муқаффа томонидан қилинган VIII асрга доир арабча таржимаси эса бузиб таржима этилганлиги туфайли Берунийга ёқмаган.

Маълумки, ҳиндларда қадимий мўътабар асарларнинг барчаси назм йўли билан яратилган. Шу боис ўтмишда наср билан яратиладиган ҳар қандай асар тартибсиз ҳисобланиб, ҳиндлар орасида шуҳрат топмаган. Шуни яхши англаган Беруний Эвклид ва Пталомейларнинг география ва астрономияга оид китобларини санскритдаги шеърий услубда таржима қилиб, жуда оғир заҳмат тортганлигини айтади.

Берунийнинг араб ва ҳинд шеърияти билан кенг шуғулланиб, ўзи ҳам қатор шеърлар ёзганлиги ҳақида XI асрда яратилган «Муъжамул-удабо» китобида аниқ маълумотлар учрайди. Беруний ҳиндларнинг ҳисоб-китоб масалалари бўйича қилган изланишларини ҳам таҳлил қилиб, уларнинг сонларни ёзиш ортиқчалиги ҳақидаги қарашларига доир иккита йирик рисола яратгани маълум.

«Ҳиндистон» китобининг ўнларча боби ҳиндларнинг диний эътиқодларига, урф-одатларига бағишланган. Муаллифнинг алоҳида ўқтиришича, ҳиндлар руҳларнинг ўлмаслигига, уларнинг танадан-танага кўчиб ўтишларига қаттиқ ишонадилар. «Кимки бунга ишонмаса, у ҳинд эмас», - деб қатъий хулоса чиқазади Беруний. Шу жиҳатдан ҳам ҳиндларда танадан ажралган руҳ арши–аълога кўтарилгач, танани оловда куйдириш расм бўлган.

Ҳиндларда қорамолларни сўйиш ва уни истеъмол қилишнинг тақиқланганлигини ўрганиб, Бхарата урушидан аввалги ҳиндлар қорамол гўштини кенг истеъмол қилганлигини аниқлайди. Кейинчалик қорамолларни сўйиш қатъиян маън қилинади. Бу албатта қорамоллар кескин камайишининг олдини олиш учун қилинган тадбирий-чора деб кескин ҳукм-ҳулоса чиқаради олим.

Беруний ҳатто совуқ кунлари ҳиндлар қорамоллар нафасидан келадиган иссиқликдан ҳам фойдаланганлигини айтиб ўтган эди.

Муаллифнинг Ҳиндистоннинг шаҳар ва қишлоқлари, дарё ва денгизлари, ҳайвон ва ўсимликлар дунёси, масофа ва чегаралар хусусида билимларига оид фикр-мулоҳазалари беихтиёр Бобурнинг «Бобурнома»сида тасвирланган тасвирий усулларни эсга солади. Бизнингча, ҳинд диёрини фатҳ этган Бобур Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини синчиклаб ўқиб чиққан. Айниқса, асарнинг 8-бобини «Бобурнома»нинг тасвирлаш услубига қиёсланса, Берунийнинг ижодий таъсири Бобурга нечоғлик катта таъсир кўрсатганлигини англаш қийин эмас.

Беруний юнонларда уруш араваси деб аталган шоҳмотнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам фикрлар билдириб, у Афинада Манколус томонидан кашф қилинган деган даъволарни рад этиб, шоҳмот юнонлардан бир неча аср илгари Мисрда кашф этилганлигини айтади. У биргина «Ҳиндистон» асарининг ўзида йигирма бешдан ортиқ юнон тилидаги машҳур асарларни тилга олиб, улардан иқтибослар келтиради. Қуръонни рус тилига таржима қилишда 30 йил тер тўккан, Сурия дорилфунунида сарфу-наҳвдан ўн йиллаб дарс берган академик И.Ю.Карчковский «Ҳиндистон»ни тадқиқ этар экан Берунийни грек-юнон, санскрит, паҳлавий, араб, форс, иброний ва сурёний тилларини ғоятда чуқур билганлигини таъкидлаб ўтган эди.

Беруний ҳиндлар динидаги баъзи мутаассибликларни танқид қилганда, унга ниҳоятда холислик билан муносабатда бўлиб, ислом ва бошқа динларда шу хил камчиликлар мавжуд бўлса, уларни бетарафлик билан ифода этади. Унинг ҳар бир сатрида ростлик, илмийлик, ҳолислик ҳукм суриб туради. Олимнинг «Ҳиндистон» китоби бу борада гавҳар тўла уммонга ўхшайди. Беруний даври бизнинг замондошимиздан қанчалик йироқ бўлганига қарамай, унинг илмий-татқиқий услублари асосан ҳозирги замон усулларига жуда яқин келади.

У Ҳиндистонга бориб, ўз тадқиқотини бирор марказ шаҳарда бамайлихотир ўтириб ёзган эмас. Айниқса, астрономия, геодезия, геология, астрологияга доир тадқиқотларни ёзишда кўп юрт кезган ва уларнинг ҳосиласи сифатида «Астрономия калити», «Қуёш ҳаракатини тадқиқ этиш», «Ой ҳақида рисола», «Зижи Масъуд», «Устурлоб ҳақида рисола», «Планисфера» каби асарларини яратди. У бевосита ўлчаш йўли билан ер куррасининг катталигини аниқлаб берди. Шу мақсадда у, денгиз сатҳидан тахминан 652 тирсак баландликдаги тоққа чиқиб, шу ердан туриб, уфқнинг пасайишини аниқлади. Беруний ана шу бурчакка ва тоғнинг баландлигига қараб ер радиуси ва айланасини ҳисоблаб чиқарди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди



СЕЙСМОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Ғани Мавлонов номидаги Сейсмология институтига хитойлик сейсмологлар томонидан қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бешта замонавий сейсмик станция топширилди.

2001 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Хитой сейсмология бюроси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланганди. Мазкур битимга кўра хитойлик мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва тизимни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида мамлакатимиз сейсмологлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳар қандай табиий офатлар айниқса, зилзила инсоният бошига қандай ташвишлар келтириши ҳамда унинг оқибатлари қанчалик аянчли эканлиги барчага маълум. Ер қаърида бўлаётган турли жараёнлар ва ўзгаришлар айнан сейсмолог мутахассислар диққат эътиборида бўлади. Зеро, уларнинг хабари негизида миллионлаб инсонларнинг тақдири ётади. Тошкент марказий сейсмик станцияси минтақамиздаги тўғғич илмий текшириш муассасаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур тармоқда бир юз олтмишдан ортиқ илмий ва техник ходим меҳнат қилмоқда. Илгари ер силкинишларини башорат қилиш фото ҳамда ёзувлар асосида амалга оширилган бўлса, эндиликда рақамли тизим орқали иш олиб борилмоқда. Бу тизимни институт ходимлари ва сейсмик экспедиция аъзолари ҳамкорликда яратишди.

Хитойлик ҳамкорлар томонидан берилган станцияларнинг тўрттаси Тошкент шаҳрида, биттаси Самарқандда ўрнатилди.

"Туркистон-пресс"

Қарши Давлат университети қошидаги лицей-интернатда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Билим масканида янги ўқув йили кўтаринкилик билан бошлаб юборилди. Ўқувчиларга юқори даражада сабоқ беришда маҳоратли педагогларнинг билимлари қўл келмоқда.

Шавкат СУЛТОН
олган суратлар

АФҒОНИСТОНГА, БОБУРНИ ЙЎҚЛАБ

Юртбошимизнинг аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, миллий менталитетимизни тиклаш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари янги изланишларга чорламоқда.

Яқинда бобуршуносларнинг улуғ бобомиз қадамжолари бўйлаб Афғонистон ҳамда Эрон мамлакатларига учинчи сафари бошланди. Саёҳатчиларнинг орзулари Бобур ҳаёти ва фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, илмий-бадиий манбаларини топиш, улардан ҳамюртларимизни бахраманд қилишдир. Илмий экспедицияга халқаро жамғарма раиси, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов раҳбарлик қилмоқда.

Экспедиция андижонликларнинг севимли маскани Бобур боғидан жўнаб кетди. Бунинг чуқур рамзий маъноси бор. Чунки, шоир, жамоат арбоби, саркарданинг болалиги Андижон заминида ўтган. Нафис ғазалларига ота юрт боғу-роғларининг таровати, гўзалликларини кўчирган.

Кузатув маросимига фан ва маданият намоёндалари, ишлаб чиқариш дарғалари, фахрийлар тўпландилар. Жўнаш олдидан Бобур ҳоки қўним топган мақбара зиёрат қилинди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Футбол

ЎН МИНГИНЧИ ГОЛ!

Йигирма иккинчи тур, айтиш мумкинки, аввалгиларидан унчалик фарқ қилмади. Деярли олдиндан башорат қилинган натижалар қайд этилди. Дарвозаларга у қадар кўп тўп ҳам киритилмади - 28 та. Бу ҳар ўйинга нисбатан олганда, 3,5 таданга тўғри келади. Ҳар жиҳатдан ўртача ҳол - ёмон ҳам эмас, яхши ҳам эмас.

Аммо ушбу турда ўзбек футболи учун унутилмас воқеа содир бўлди. Ўзбекистон миллий чемпионати бошланганидан буён дарвозаларга киритилган тўпларнинг сони ўн мингтадан ошиб кетди! Мазкур тур олдидан тўпурар ҳужумчиларни ҳаяжон босгани ҳам шундан. Шу пайтгача киритилган голлар 9981 та эди. Энди эса футбол ва унинг атрофидаги статистик маълумотлар билан қизиқувчилар учун ўзига хос заҳматли юмуш топилди.

Фақат биз бунгача ўнмингинчи гол муаллифини аниқлаб олишимизга тўғри келади. Мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида ўйинлар қарийб бир вақтда бошланганини ва ушбу турда жами 28 та тўп киритилганини назарда тутадиган бўлсак, бу унчалик осон эмас. Қолаверса, даъвогар футболчилар ҳам талайгина. Ҳар ҳолда сўнгги тўққизта тўпдан биттаси ана шу юбилей тўпи бўлиши ўз-ўзидан тушунарли.

Шу боис биз футбол федерациясининг расмий эътирофини кутишга қарор қилдик. Лекин шу ҳолда ҳам чемпионатимиз қизғин паллага кирганлиги билан тобора қизиқиш уйғотмоқда. Буни фақат икки учрашувдагина бир томоннинг устунлиги яққол намоён бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Олтин медал учун сўнгги нафасгача курашиш машқини олган «Нефтчи» ўз майдонида «Қўқон-1912» жамоасини 6:2 ҳисобида енгди. Олий лига билан хайрлашиш хавфи Бекободнинг «Металлург» командасини жонлантириб юборган шекилли, у ҳам «Цементчи» устидан ишончли ғалабани қўлга киритди - 4:0.

Қолган учрашувларда кураш охирги сонягача давом этди. Буни ҳисоблар ҳам тасдиқлаб турибди: «Самарқанд-Д» - «Насаф» - 1:2, «Трактор» - «Бухоро» - 3:1, «Гулистон» - «Пахтакор» - 1:3, «Машъал» - «Дўстлик» - 2:0, «Қизилқум» - «Сурхон» - 1:0.

Кейинги тур кўплаб саволларга жавоб бериши билан мухлислар ва мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда. «Трактор» - «Цементчи», «Қўқон-1912» - «Металлург», «Бухоро» - «Гулистон» жамоалари ўртасидаги баҳс қуйи лигага тушиб кетувчи клублар тўқнашуви деб аталса, «Нефтчи» - «Пахтакор» командалари учрашуви 12-миллий чемпионатимиз ғолибини аниқлашга хизмат қилиши турган гап.

Хуллас, бизни олдинда бир-биридан муросасиз баҳслар кутмоқда.

22-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**21**	**19**	**2**	**0**	**72-17**	**59**
2.«Нефтчи»	**22**	**18**	**1**	**3**	**63-25**	**55**
3.«Қизилқум»	**22**	**14**	**3**	**5**	**45-20**	**45**
4.«Навбаҳор»	21	12	5	4	40-19	41
5.«Насаф»	22	13	2	7	43-32	41
6.«Машъал»	22	10	4	8	35-25	34
7.«Сурхон»	21	8	4	9	23-36	28
8.«Дўстлик»	22	8	3	11	30-39	27
9.«Андижон»	22	6	6	10	24-28	24
10.«Цементчи»	22	6	6	10	29-44	24
11.«Бухоро»	21	7	2	12	34-40	23
12.«Самарқанд-Д»	22	7	1	14	26-37	22
13.«Металлург»	22	6	4	12	27-47	22
14.«Трактор»	22	5	4	13	30-52	19
15.«Қўқон-1912»	**22**	**6**	**0**	**16**	**27-54**	**18**
16.«Гулистон»	**22**	**4**	**3**	**15**	**17-50**	**15**

Орамиздаги одамлар

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ҲАМШИРА

Яқинда Иштихон туманида бир гуруҳ фахрийлар нафақага кузатилди. Улар орасида камтарин инсон Сапия Холиқова ҳам бор эди. Фаолиятини бошлаганига ўттиз йил тўлганлиги ҳамда эллик баҳорни кўрганлиги муносабати билан туман бош шифохонаси касаба уюшма қўмитаси томонидан опани қизғин муборакбод этишди.

Оддий манзара. Бундай меҳр-оқибатни ҳар куни кўриш мумкин. Лекин ички туйғуларни жунбушга келтириб, пича хира тортган хотираларни уйғотиб юборувчи дақиқаларни унутиш қийин. Сапия Холиқованинг ҳам кўз ўнгидан бутун ҳаёти ўтган бўлса ажаб эмас.

Яхши эслайди - Каттақўрғон тиббиёт билим юртини тугатиб туман туғруқхонасида иш бошлаган илк кезлар қанчалар ҳаяжонланганди. Она деган муқаддас тушунчани шу ерда тўла-тўкис ҳис қилган эди у. Чақалоғини бағрига босган аёлларнинг бахтиёр чеҳралари уни саодат гулшанига етаклаган эди.

Бундан чорак асрлар муқаддам юз берган воқеа Сапиянинг бир умр ёдидан чиқмайди. Бир ҳомиладор аёл кўп қон йўқотиб, аҳволи ниҳоятда оғирлашиб қолди. Ҳаёт ва ўлим ўртасида муросасиз кураш бошланди. Аёл тобора дармонсизланиб борарди. Унга қон қуйиш зарур, аммо мос келадиган қон йўқ эди. Ҳудди шу аснода навбатчиликка келган Сапия ҳеч иккиланмай қон беришга розилик берди. Боз устига ўзидан олинган иссиқ қонни томир уриши секинлашиб, катта муаммога айланган беморнинг томирига тушиш имконини топди.

Бир оиланинг устуни сақлаб қолинди. У кейинчалик фарзанд кўрди. Бахтиёр онанинг миннатдорчилигини бир кўрсангиз эди!

Саксонинчи-тўқсонинчи йилларда юртимизда вирусли гепатит хасталиги авж олганлигини, шифохоналар барча беморларни ўз бағрига сиғдира олмай қолганлигини ўрта авлод яхши эслайди. Касаллик туфайли ўлим кескин кўпайганлиги ҳам рост гап. Шундай мураккаб шароитда зукко ва изланувчан С.Холиқова бир ажойиб янгиликка қўл уриб, кўплаб беморларнинг жонига оро кирди. Маълумки, бу касаллик беморга кўплаб суюқ дори воситалари қуйишни тақозо этади. Бу дорилар шприц ёрдамида юборилишини ҳамма яхши биларди. Сапия эса журъат кўрсатиб, томчилатиб қуйиш усулини қўллади. Бу билан ҳам вақтдан тежалади, ҳам бир йўла бир неча беморга хизмат кўрсатиш имкони туғилади. Натижада қанчаданқанча бемор ҳаёти сақлаб қолинди.

Умр-оқар дарё, дейдилар. Шунга ҳам қанча йиллар ўтиб кетибди.Бугун С.Холиқова шогирдлари даврасида.

Халқимиз орасида шифо аҳлига нисбатан ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, «қўли енгил» деган ибора ишлатилади. Лекин бундай шарафга ҳамма ҳам эришолмайди. Сапия Холиқова ана шундай бахтга муяссар бўлганлардан.

Иззат МАҲМУДОВ,
Иштихон туман бош шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Ибрат

Дўстлик туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби Нормурод Қозоқов номи билан аталади. Бу фидойи инсон кўп йиллар ана шу илм масканига раҳбарлик қилган. Шу йилнинг май ойида Нормурод отанинг фарзандлари Ғулом, Илҳом, Илёслар ўзаро маслаҳатлашиб, отаси номидаги мактабни таъмирлаб беришга аҳд қилишди. Тўрт ой деганда мактаб тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ака-укалар 2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлашди.

АКА-УКАЛАР ЁРДАМИ

– Уларнинг ташаббусини ота-оналар, фермерлар қўллабқувватлашди, – дейди мактаб раҳбари Гулнора Умарова. – Айниқса, туман ҳокимлиги кўрсатган ёрдам катта бўлди. 600 дона шифер ажратди, ёғоч-тахтадан кўмак берди.

Мактабда айни пайтда 680 нафар ўқувчига 32 ўқитувчи таълим-тарбия беряпти. 5 та фан кабинети давлат таълим стандартлари талаблари асосида жиҳозланган.

Суратда: мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Парпи Бобожонов бир гуруҳ ўқувчилар билан машғулот ўтказаётган пайт.



ШИФОБАХШ МАРКАЗ

Аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш йўлида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари ҳам режали асосда олиб борилмоқда. Мамлакатимизда комплекс усулда муолажаларни кенг йўлга қўйиш мақсадида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлардан бир нечтаси ташкил топди. Улар асосан урология, офтолмологик, жарроҳлик марказлари ҳисобланади. Юрак-ҳасталиклари муолажаси билан комплекс шуғулланувчи кардиология илмий маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бу тиббий йўналиш учун мустаҳкам негиз яратиш мақсадида Тошкентдаги 15-шаҳар касалхонасидаги даволаш корпусларидан бири ушбу шифобахш марказ ихтиёрига берилди. Бу ерда олиб борилган таъмирлаш ишлари малакали муолажаларни амалга ошириш учун қулайлик яратди.

А.АЛИЕВ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Ғазета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ғазетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 9183 Буюртма Г– 817. 1 3456